ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ПУЛАТОВА НОДИРАХОН СОБИРЖОНОВНА

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ

12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 342.7(043.5)(575.1)

Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Пулатова Нодирахон Собиржоновна
Инсон ҳуқуқларини таъминлашда суд ҳужжатларининг ролини кучайтириш…….....3

Pulatova Nodirakhon Sobirjanovna
Strengthening the role of judicial documents in ensuring human rights.....34

Пулатова Нодирахон Собиржоновна
Усиление роли судебных документов в обеспечении прав человека…….....61

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати
Список опубликованных научных работ
List of published scientific works……...…….…….....….....66

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ПУЛАТОВА НОДИРАХОН СОБИРЖОНОВНА

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ

12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.Dsc/Yu149рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна,** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Рахимов Фахри Хайдарович** юридик фанлар доктори, профессор
	Хамраев Анвар Ахмадалиевич юридик фанлар доктори, профессор
	Мухитдинова Фарруха Фахриддинова юридик фанлар доктори
Етакчи ташкилот:	**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 23 сентябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1051-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил «8» сентябрь куни тарқатилди.

(2022 йил «8» сентябрдаги 5-рақамли реестр баённомаси).

Р.Р.Хакимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Б.А.Нариманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Р.Беков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда давлатларнинг демократик ривожланиш даражаси инсон ҳуқуқларининг қанчалик таъминланганлиги ва одил судловнинг самарадорлигини ошириш кўрсаткичи билан бевосита боғлиқ жараён сифатида баҳоланади. Давлат ҳокимиятининг мустақил бир тармоғи сифатида суд ҳокимиятининг асосий вазифаси суд ҳужжатлари воситасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Зотан, дунёда қарийб 1,5 миллиард инсон ўзининг бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга эмас[1]. Хусусан, дунёни ўзгартиришга йўналтирилган Барқарор Ривожланиш Мақсадларининг 16-мақсади “Қонун устуворлигига кўмаклашиш ҳамда барча учун одил судловдан фойдаланиш бўйича тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган”[2] бўлиб, ушбу мақсадга эришишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмида фундаментал аҳамиятга эга бўлган суд ҳужжатларининг ролини кучайтириш долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳонда суд ҳимояси институтини такомиллаштириш, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни суд ҳужжатлари воситасида тиклаш масалалари, суд қарорларида йўл қўйилган хатоларни бартараф этишга қаратилган илмий тадқиқот йўналишларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали таъминлаш муаммолари ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга бўлиб, инсон ҳуқуқларини суд ҳужжатлари воситасида ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва самарали ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш ва юридик шаклларини такомиллаштириш муҳим тадқиқот йўналиши сифатида ўрганилмоқда.

Республикамизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмида суд ҳимояси борасида қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу йўналишда янги сифат босқичига ўтилди. Жумладан, суд ҳужжатининг бузилган ҳуқуқларни тиклаш воситаси сифатидаги аҳамиятини сўнгги йилларда судлар томонидан оқланганлар сони 2018 йил 867 нафар, 2019 йилда 859 нафарни, 2020 йилга келиб 781 нафарни, 2021 йил 9 ойлигида 781 нафарни ташкил этганида[3] ҳам кўришимиз мумкин. “Фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини такомиллаштириш”[4] устувор вазифа сифатида белгиланиб, мазкур вазифалар ушбу соҳадаги

---

[1]World Justice Project. Measuring the Justice Gap. URL: https://worldjusticeproject.org/our-work/research-and-data/access-justice/measuring-justice-gap. кириш режими очиқ.

[2] https://uzbekistan.un.org/

[3]www.strategy.uz

[4]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни долзарб этиб қўймоқда.

Диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни (2021), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–4850-сон (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–6034-сон (2020) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сонли (2022), "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–6127-сон фармонлари (2020) ҳамда "Суд ҳокимияти фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4818-сон қарори (2020) ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижросига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари" устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[1]**.** Дунёнинг етакчи илмий марказларида шахс ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг турли жиҳатлари, шунингдек, суд ҳужжатларининг бу борадаги ўрни ва аҳамиятини тушунишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқот мавзуси бўйича San Francisco, California университетлари ва илмий марказларида, Texac University of Maryland School of Law, University of Yale, The Bingham Centre for the Rule of Law, Cornell Law School (АҚШ), University of Essex, University College London (Буюк Британия), University of Bonn, University of Getting (Германия), М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида (Россия Федерацияси), Тошкент давлат юридик университетида (Ўзбекистон) муайян тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Бундай изланишлар натижасида қатор илмий хулосалар шакллантирилиб, тегишли натижаларга эришилган. Уларнинг мазмун-моҳиятида қуйидагилар таҳлил қилинган: инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмида одил судлов институтининг ўрни очиб берилган, суднинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари тадқиқ этилган (University of Maryland School of Law, АҚШ); суд ҳужжатларининг инсон ҳуқуқ ва

[1]Қаранг: www.umd.edu, www.yale.edu, www.essex.ac.uk, www.uni-bonn.de, www.binghamcentre.biicl.org, www.ucl.ac.uk, www.law.cornell.edu, www.msu.ru/en, www.tsul.uz ва бошқ.

эркинликларини ҳимоя қилиш ҳолатига таъсири ҳамда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниш даражасида суд талқинининг аҳамияти аниқланган (University of Essex, Буюк Британия); инсон ҳуқуқларини тиклаш жараёни устидан суд назоратининг роли очиб берилган (University of Bonn, Германия); суд муҳокамасида шикоятларни кўриб чиқишда суд ихтиёрининг чегаралари ва нормалари асослаб берилган (The Bingham Centre for the Rule of Law, АҚШ); одил судлов ва суд назоратини амалга ошириш бўйича белгиланган юрисдикция стандартлари белгиланган (University College London, Буюк Британия); шахс ҳуқуқларини кафолатлаш тизимида суд фаолиятининг роли очиб берилган (Cornell Law School, АҚШ); суд процессида суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш тартиби очиб берилган (Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Федерацияси); одил судлов механизмини янада такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган (Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш муаммоларини ўрганишнинг қуйидаги устувор йўналишлари бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борилмоқда: инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда суднинг ролини ошириш, суд ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, суд муҳокамаси давомида бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг самарали усулларини аниқлаш кабилар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуси билан яқин айрим назарий ва амалий муаммолар мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари А.Р.Оқилов, З.М.Исломов, Ф.М.Мухитдинова, Х.Т.Одилқориев, М.Ражабова, А.Х.Саидов, Ф.Х.Раҳимов, Ф.Х.Отахонов, О.Т.Ҳусанов, А.А.Хамраев Р.Р.Ҳакимов, И.Т.Тультеев, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тўхташева ва бошқалар инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш институтининг умумий ва алоҳида жиҳатлари бўйича қатор тадқиқотлар ўтказганлар. Ушбу ишларда инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг моҳияти ва механизми очиб берилган, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмида суд фаолиятининг хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот мавзуси доирасида МДҲ давлатлари ҳуқуқшунос олимлари В.Д.Зоркин, Ю.В.Самович, М.В.Пресняков, В.П.Божиев, А.В.Корнев, В.В.Лазарев, В.В.Лапаева, Т.Г.Морщакова, Т.Я.Хабриева, С.К.Загайновалар томонидан инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш, шунингдек, одил судловни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмида суд ҳужжатларининг тутган ўрнини ўрганиш билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилган. Ғарб мамлакатларида бу муаммо M.S.Ahlawat, K.Kelemen, M.P.O'higgins, L.Fridmen, C.Kessedjian, L.B.Orfield, A.Murado, S.Chiarloni, Martin Böse каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Бундан ташқари, мавзуга бевосита бўлмаса-да, билвосита яқин жиҳатларини назариётчи олимлар, жумладан, А.А.Хамраев "Судьялар

касбий-малакавий ҳуқуқий онги: шаклланиши ва ривожини таъминлашнинг назарий-методологик жиҳатлари”(2006), Ф.Ф.Мухитдинова “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг қарор топиши ва ривожланиши”(2012), М.М.Абдуллаева “Ўзбекистон Республикасида конституциявий судлов институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”(2021) каби илмий тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, судгача бўлган иш юритувида суд назорати муаммолари бўйича ҳам бир қанча диссертациялар ҳимоя қилинган бўлиб, улар сирасига З.Ф.Иногомжонованинг “Суд назорати ва уни жиноят процессида амалга ошириш муаммолари” (2007), А.Таджибаеванинг “Жиноят процессида суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш” (2010), У.А. Тўхташеванинг “Суд хатоларини бартараф этишнинг жиноят-процессуал усуллари” (2020) мавзусидаги диссертация тадқиқотлари амалга оширилган[1].

Шу билан бирга ушбу тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, улар асосан одил судлов муаммоларининг умумий жиҳатлари, жумладан, инсон ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилишнинг индивидуал масалалари тадқиқ этилган, шу тариқа суд ҳужжатларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги роли ва аҳамияти масаласи яхлит концептуал тадқиқот объекти бўлмаганлигини кўришимиз мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ҳужжатларининг ролини очиб бериш, суд томонидан ҳимоя қилиш механизмини ҳамда суд қарорларининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“суд ҳокимияти”, “суд ҳимояси”, “суд функциялари”, “суд ҳужжатлари”, “суднинг ҳал қилув қарори”, “суд хатоси” тушунчаларига оид назарий ёндашувлар тизимли таҳлил этиш асосида ушбу категорияларга муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларда инсон ҳуқуқларини суд ҳужжатлари воситасида ҳимоя қилиш механизмини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асосида ижобий тажрибани миллий қонунчиликка татбиқ этиш юзасидан таклифларни асослаш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилган суд ҳужжатларининг функционал моҳиятининг назарий жиҳатларини таҳлил қилиш;

[1]Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган электрон одил судлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларни замонавий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш;

суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларни асослаб бериш;

инсон ҳуқуқларини таъминлашда суд ҳужжатларидаги хатоларни бартараф этишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ҳужжатларининг ролини кучайтириш ва ижро самарадорлигини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти инсон ҳуқуқларини суд ҳужжатлари воситасида ҳимоя қилиш соҳаси билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини суд ҳужжатлари воситасида ҳимоя қилиш соҳаси билан боғлиқ қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд ғоялар, концептуал ёндашувлар, таълимотлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг тарихий, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, контент-таҳлил, мантиқий-ҳуқуқий, статистик маълумотларни таҳлил қилиш каби усулларидан фойдаланилган. Тадқиқотнинг эмпирик асосини диссертант ўтказган социологик сўров натижалари ташкил этган. Улардан фойдаланиш диссертация тадқиқоти натижаларининг илмий хусусияти, ишончлилиги ва асослилигини таъминлаш имконини берди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

судларда ишларни юритиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига суд ҳужжатлари ахборот тизимидан фойдаланилган ҳолда электрон ҳужжат шаклида шакллантирилиши мумкинлиги тўғрисида қўшимча киритиш зарурлиги асослантирилган;

суд жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини жавобгарга ва учинчи шахсларга ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориш мумкинлиги асосланган;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судья одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган шахсий маълумотларни ўз ичига олган маълумотларни давлат органларининг, шунингдек бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимларидан фуқароларнинг ёзма розилигисиз бепул олиш ҳуқуқига эга эканлиги асослаб берилган;

судьянинг судьялар ҳамжамияти органларини шакллантиришда ва улар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши зарурлиги асосланган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар суд ҳужжатлари воситасида тартибга солиниши мумкинлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар асосланган;

“Ўзбекистон Республикасининг судлар фаолиятига оид ахборотдан фойдаланиш тартиби тўғрисида” қонун қабул қилиш зарурати асосланган;

“Судлар тўғрисида”ги Қонунга “суд ҳужжати” деган ягона умумий атамани ва унинг таърифини киритиш юзасидан таклифлар асослаб берилган;

тадқиқот натижасида суд жараёни иштирокчиларининг манфаатларини ва процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишни инобатга олган ҳолда Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар асосланган;

суд ҳужжатлари воситасида инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида хусусий ижро институтини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг ва МСИЮтКнинг “Ҳал қилув қарорини қабул қилиш” деб номланган тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар асосланган;

Ўзбекистонда “Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупцияни олдини олиш бўйича суд инспекцияси” томонидан суд ҳужжати сифатининг мезонини ўз ичига олган талабларни Қўлланма шаклида ишлаб чиқиб, судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда фойдаланиш таклифи асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий-илмий хулосалар халқаро илмий базалар (https://www.scholar.google.com, https://www.jstor.org, https://www.sciencedirect.com, https://www.proquest.com, https://heinonline.org) ҳамда бошқа расмий манбалардан олинган ишончли маълумотлар асосида шакллантирилган. Тадқиқот олиб бориш жараёнида билдирилган айрим таклифлар амалиётга жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ифодаланган илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар юридик фанни, жумладан “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Инсон ҳуқуқлари назарияси”, “Юридик техника” шунингдек, қатор тармоқ фанларини янада бойитишга хизмат қилишида кўринади. Илмий тадқиқотнинг назарий жиҳатлари инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва бунда суд ҳужжатларининг қўлланишини такомиллаштириш бўйича янги илмий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда ишлаб чиқилган амалий тавсия ва таклифлардан амалдаги қонунчилик ва суд амалиётини такомиллаштиришда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари каби фанлардан маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишда, шунингдек, ўқув-методик қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инсон ҳуқуқларининг судда ҳимоя қилинишига оид қонунчиликни ҳамда тегишли суд ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

судларда ишларни юритиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига “суд ҳужжатларини ахборот тизимидан фойдаланиб, электрон ҳужжат кўринишида шакллантирилиши мумкин” деган қўшимча киритиш зарурлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 мартдаги “Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–607-сон Қонунининг 4-моддаси биринчи қисмида ўз ифодасини топди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 15 декабрдаги маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 30 ноябрдаги 40-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг татбиқ этилиши суд ҳужжатларини қабул қилиш тартибини соддалаштириб ва суд жараёни иштирокчиларининг суд ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишида ёрдам бериб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига имкон берган;

суд ишини юритиш жараёнида унинг иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 мартдаги “Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–607-сон Қонунининг 4-моддаси учинчи қисмида “даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини жавобгарга ва учинчи шахсларга ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориш мумкинлигини қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклиф амалга оширилди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси 2021 йил 19 ноябрдаги 36-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқлари мустаҳкамланишига ва суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кучайтиришга хизмат қилади;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судья одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган шахсий маълумотларни ўз ичига олган

маълумотларни давлат органларининг, шунингдек бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимларидан фуқароларнинг ёзма розилигисиз бепул олиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги қоидани белгилаш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ–515-сон Қонунининг 61-моддаси биринчи қисми тўртинчи хатбошисида ўз ифодасини топди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 36-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши судьянинг суд ишини юритиш жараёнида инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш бўйича ваколатлари кенгайишига хизмат қилади;

судьянинг судьялар ҳамжамияти органларини шакллантиришда ва улар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши кераклиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ–515-сон Қонунининг 61-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошисида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 36-сон маълумотномаси). Қонун ҳужжатларига мазкур норманинг киритилиши судьялар тузилмалари орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш жараёнида судьянинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланилишига хизмат қилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар суд ҳужжатлари воситасида тартибга солиниши мумкинлиги ҳақидаги назарий хулосалар ва тадқиқотнинг бошқа назарий натижалари юридик фанлар бўйича етакчи таълим муассасаси бўлган Тошкент давлат юридик университетининг ўқув жараёнига жорий этилиб, “Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари” ва “Юридик техника” фанларидан маърузалар ўқиш ва бошқа машғулотларни ўтказишда қўлланилмоқда (ТДЮУнинг 2020 йил 15 декабрдаги далолатнома-гувоҳномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда (конференция, семинар ва давра суҳбатларида) тақдим этилган ва муҳокама қилинган бўлиб, улардан учтаси халқаро даражада, иккитаси эса республика даражасидадир.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш, жумладан учта монография (биттаси ҳаммуаллифликда) ва 26 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 260 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослантирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ёритилган, шунингдек, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, республика фан ва

технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асослантирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан алоқадорлиги, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инсон ҳуқуқларини таъминлашда суд ҳимоясини тушунишнинг назарий-ҳуқуқий ва методологик муаммолари”** деб номланган биринчи бобида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда суд ҳимоясининг ҳуқуқий асослари ва механизми, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашда суд ҳимоясининг ривожланиш босқичлари ва эволюцияси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида суд ҳимоясининг халқаро-ҳуқуқий асослари ва стандартлари устуворлиги масалалари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, суд ҳимояси – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимининг марказий институти, суд ҳужжатлари эса унинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Ушбу бобда инсон ҳуқуқларини (жумладан одил судлов соҳасида) таъминлаш соҳасидаги миллий қонунчилик учун асос бўлиб хизмат қиладиган халқаро ҳуқуқий принциплар, нормалар ва стандартлар мажмуини ўз ичига оладиган инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг мазмуни ва хусусиятлари батафсил кўриб чиқилган.

Диссертант инсон ҳуқуқлари назариясининг умумий концептуал жиҳатларини инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш институтининг бугунги ривожланиши ҳамда ушбу институт фаолиятида суд ҳужжатларининг аҳамияти нуқтаи назаридан таҳлил қилган. Муаллиф амалга оширган таҳлиллари асосида “инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” атамасини “инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш” тушунчасининг ҳам мазмунини ўз ичига олган кенгроқ атама сифатида қўллаш асосли бўлади деб ҳисоблайди.

Юридик адабиётларда “судда ҳимояланиш ҳуқуқи” тушунчасига турли ёндашувлар борлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу категориянинг асосий белгилари ажратиб кўрсатилган. Муаллиф суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи табиатан икки жиҳатга эга деган хулосага келади. Биринчидан, у шахснинг суд ишларини юритиш тартибидан ўз бузилган ҳуқуқини тиклашда фойдаланиш имкониятини ифодалайдиган унинг субъектив ҳуқуқидир. Иккинчидан, у шахсга берилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатидир.

Муаллиф асосий халқаро ҳужжатларни батафсил таҳлил қилиш асосида келган хулосага кўра, суд орқали ҳимоя қилиш, бошқа кўплаб механизмлардан фарқли ўлароқ, универсал бўлиб, бир қатор тегишли белгиларга эга. Биринчидан, суд орқали ҳимоя қилиш чекланмаган доирадаги шахсларга нисбатан қўлланилади. Иккинчидан, суд орқали

ҳимоя қилиш доираси Конституция ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган барча турдаги ҳуқуқ ва эркинликларга тааллуқлидир. Учинчидан, суд орқали ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг бошқа турларига нисбатан юқори самарадорликка эга, чунки суд қарори бажарилиши мажбурий бўлган юридик кучга эга, унинг ижроси давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади. Тўртинчидан, баъзи ҳолларда суд орқали ҳимоя қилиш инсоннинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашнинг ягона усули ҳисобланади. Бешинчидан, суд орқали ҳимоя қилиш қарорларнинг ишончлилиги, самарадорлиги ва адолатлилигини таъминлайдиган махсус процессуал тартибни назарда тутади.

Диссертантнинг фикрича, фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларидан эркин фойдаланиш имкониятини мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормаларнинг мавжудлиги улар амалда ўз-ўзидан ишлашини англатмайди. Шахснинг у ёки бу ҳуқуқини Конституцияда мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари, ушбу ҳуқуқни ташкилий-ҳуқуқий механизм орқали моддийлаштириш ҳам муҳим. Қонун, агар унинг қоидалари ҳаётда ўз ифодасини топмаса, уни амалда қўллаш механизми ишламаса, “жонсиз” ҳолида қолаверади.

Муаллиф ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш механизми деганда ҳаракат динамикасида кўриб чиқиладиган уларни рўёбга чиқариш воситалари, шакл ва усуллари тизимини, шунингдек ушбу тизимнинг ишлашига таъсир кўрсатадиган шарт-шароит ва омиллар мажмуини тушунишни таклиф этади. Унинг фикрича, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш механизми ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг одил судлов орқали муҳофаза қилиниши ва тикланишини таъминлайдиган институционал (судлар, адвокатура ва бошқа инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари, қонун ҳужжатлари ва бошқа) ҳамда функционал (суд жараёни, суд иш юритуви, суд орқали ҳимояланиш ва шикоят қилиш ҳуқуқи каби) элементлар, воситалар, шакл ва тартиблар тизимини ифодалайди. Бунда биринчи қисми статик тузилма бўлса, иккинчиси динамик, фаол қисмидир. Улар бирга ишласагина ҳуқуқ ва эркинликларнинг суд орқали тўлақонли ҳимояланишини таъминлайди.

Олимларнинг суд ҳимоясида бўлиш (суд орқали ҳимояланиш) конституциявий ҳуқуқининг моҳияти борасидаги турли ёндашувларини кўриб чиққан муаллиф уни табиий ҳуқуқларга эмас, балки позитив ҳуқуқларга киритиш лозимлигини қайд этади, чунки унинг амалга оширилиши давлатнинг жадал фаолиятини (масалан, субъектлар таркибини аниқлаш, кафолатларни ўрнатиш ва бошқаларни) тақозо этади. Бу мамлакат Конституцияси билан кафолатланган ва давлат томонидан таъминланган универсал имконият сифатида шахснинг бузилган ёки баҳсли ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш мақсадида судга мурожаат қилишини, шунингдек суд ҳимояси орқали уларнинг асоссиз ва ноқонуний чекланишининг олдини олишини ифодалайди.

Бу мутлақ ҳуқуқ бўлиб, ҳатто фавқулодда ҳолат шароитида ҳам чекланмайди. Суд ҳимоясида бўлишдек конституциявий ҳуқуқнинг ўзига хослиги шундаки, унинг объектини, бирор неъматдан фойдаланиш ёки уни муҳофаза қилишга қаратилган аксарият субъектив ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ, бошқа мустақил субъектив ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатлар ташкил этади.

Бир қатор олимларнинг (жумладан, Б. Исмоилов, А. Хамраев, Ф.Мухитдинова М. Абдуллаева ва бошқаларнинг) қарашларини ўрганиб чиққан диссертант Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ҳар кимнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бевосита мустаҳкамловчи норма билан тўлдириш тўғрисидаги таклифни қувватлади ва асослилигини исботлади. Бундай қўшимча конституциявий тузилмани мантиқан тўғри қуришга, яъни дастлаб суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб, кейин Асосий қонунининг 44-моддасида кафолатлаш тўғри бўлади.

Муаллиф Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Судлар тўғрисида”ги Қонунида ифодаланган суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг принциплари ва кафолатларини ўзида мужассам этувчи нормаларни атрофлича таҳлил қилган. Диссертант “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги янги Қонунда мустаҳкамланган фуқаролар ва юридик шахсларнинг (қонуннинг аввалги таҳририда назарда тутилмаган) Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини ижобий баҳолаб, қуйидаги жиҳатни қайд этади. Мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилиш шарти сифатида барча ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланилган бўлиши ҳақидаги норманинг киритилганлиги фуқаронинг Конституциявий суддан фойдаланишини анча қийинлаштириб, уни судма-суд юришга мажбур қилади.

Муаллифнинг фикрича, судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган деб ҳисобланадиган ҳолатларнинг тўлиқ рўйхатини (масалан, иш бўйича юқори суд инстанцияси қарорининг кучга кирганлиги етарли бўладими) қонунда белгилаб қўйиш зарур. Бироқ, бу ерда ҳам инсон барча суд инстанцияларидан ўтиши учун узоқ (тахминан – 2 йилгача) вақт керак бўлишини назарда тутиш лозим. Таклиф сифатида қонунда вақт чегарасини киритиш таклиф этилади (масалан, судга шикоят билан дастлабки мурожаат қилинганидан кейин икки йил ўтгач). Иккинчи жиҳати шундаки, қонунда ишни судда кўриб чиқиш тугаган кундан бошлаб бир йиллик муддат билан чеклов ўрнатилган. Бу ерда, диссертантнинг фикрича, тескари манзара кузатилади – шикояти бўйича охирги инстанция судининг қарори чиқарилган шахс қарор чиқарилган кундан бошлаб бир йил ичида Конституциявий судга шикоят қилиши керак. Шу боис, турли ҳаётий шароитлар ва вазиятлар юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда қонунда кўрсатилган муддатни икки йилгача узайтириш таклиф этилган.

Бундан ташқари, муаллифнинг фикрича, Конституциявий суднинг ваколатлари, жумладан инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик соҳасидаги ваколатлари муаммоси охиригача ҳал бўлмай келмоқда. Қонунчилик ҳужжатларидаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид бўшлиқларни конституциявий баҳолаш унинг ваколатига (5, 82, 85-моддаларга) киритилмаган. Шу муносабат билан Конституциявий суднинг бу борадаги ваколатларини кенгайтириш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилган бўлиб, бу унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда иштирок этиш имкониятларини кенгайтиради.

Айрим олимларнинг (Ш.А.Ишанов, Ф.Ф.Мухиддинов, А.Раҳманов, Л.Р.Сюкияйнен) қарашларини, шунингдек, “Сунан” (Дора Қутний), “Ҳидоя” (Бурҳониддин Марғиноний) материалларини ҳисобга олган ҳолда суд ишларини одат ва шариат нормаларига мувофиқ юритиш тартибининг хусусиятлари, қозилар томонидан суд муҳокамаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан қабул қилинган ҳужжатларнинг (хусусан, муддаи ва муддаи алайҳининг) белгилари ва қонуний кучи кўриб чиқилган.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида муаллиф бугун Ўзбекистонда суд тизимини такомиллаштириш ишлари янги босқичга кўтарилганини, амалга оширилаётган ислоҳотлар эса судлар фаолиятини инсонпарварлик ва адолат принциплари асосида ташкил қилишга ҳамда инсон ҳуқуқларини белгиланган тартибда қабул қилинаётган суд ҳужжатлари орқали самарали ҳимоя қилишга имкон яратаётганини таъкидлайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Суд ҳужжатлари – ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг муҳим тури”** деб номланиб, унда ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари тизимида суд ҳужжатларининг тутган ўрни, суд ҳужжатлари инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг юридик воситаси сифатида, суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилиги – инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш кафолати билан боғлиқ масалалар батафсил қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Муаллиф суд ҳимоясини махсус тартибга солинган жараён сифатида суд фаолиятининг мазмунини очиб берувчи “мақсад”, “восита” ва “натижа” категориялари доирасида кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблайди. Масалага бундай ёндашилганида судда ҳимояланишдан кўзланган мақсад суд ишларини юритиш (судлов) жараёнида шахснинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ва бузилганларини тиклаш бўлади. Судда ҳимояланиш воситаси – қўйилган мақсадга эришишда ёрдам берадиган ҳуқуқий қурол. Бу – ҳуқуқнинг табиатидан келиб чиқадиган ҳамда шахс ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг ҳуқуқий воситасини ташкил этадиган чора-тадбирлар ва усуллардир. Судда ҳимояланишнинг натижаси – ҳуқуқ ва эркинликларнинг суд жараёни якунида юзага келган ҳақиқий ҳимояланганлик ҳолати, уларнинг юридик жиҳатдан эътироф этилиши ёки тикланишидир.

Диссертантнинг фикрига кўра, инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш унинг (ҳимоянинг) судга мурожаат қилиш, ишларни кўриб чиқиш,

суд ҳужжатлари (шу жумладан охирги қарорни) чиқариш, суд хатоларини бартараф этиш, суд ҳужжатини бажариш ҳуқуқи каби таркибий қисмларнинг яхлитлигини тақозо этади. Шу билан бирга, унинг фикрича, суд ҳужжатлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали воситаларидан бири ва уларни ҳимоя қилиш кафолатидир.

Суд ҳужжати, ўз моҳиятига кўра, суд органларининг давлат номидан одил судловни амалга ошириш ваколатларининг ҳужжатли ифодасидир. Ҳар қандай манфаатдор шахснинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишининг қонуний кафолатланган имконияти амалга ошириладиган суд ҳужжати инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситаси, қуролидир. Ҳар қандай суднинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши билан боғлиқ мурожаатларини қондириш тўғрисидаги ҳужжати суд жараёнининг квинтессенцияси (асосий моҳияти, мағизи)дир.

Одил судловнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функциясини амалга ошириш воситаларидан бири сифатида суд ҳужжатлари мазмуни билан ҳам, ифодаланиш шакли билан ҳам ўзаро фарқ қилади. Бироқ уларнинг асосий хусусиятлари, сифатлари, функцияларидан бири – шахснинг, жумладан суд жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини, муҳофаза этилишини ва тикланишини таъминлаш жоиз. Шу жиҳатдан, муаллифнинг қайд этишича, суд ҳужжати қуйидаги асосий мезонларга жавоб бериши керак: а) суд ҳужжатининг қонунийлиги ва адолатлилиги; б) асослилик, объективлик ва холислик, яъни судьянинг кўриб чиқилаётган иш натижаларидан шахсан манфаатдор эмаслиги; с) самарадорлик, яъни инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ёки самарали тиклаш.

Диссертацияда деярли ҳар қандай суд ҳужжати (ҳатто жиноят иши бўйича ҳукм ҳам) у ёки бу даражада ҳуқуқни ҳимоя қилиш хусусиятига эга, деган қоида асослантирилган. Масалан, санкциялар қўлланиши (судланувчи учун салбий оқибатлар келиб чиқиши) назарда тутилган ҳукм жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Суд ҳужжатининг бузилган ҳуқуқларни тиклаш воситаси сифатидаги аҳамияти ҳақида сўз юритган диссертант шуни таъкидлайдики, айрим ҳуқуқий масалаларни тегишли суд ҳужжатини чиқармасдан умуман ҳал қилиб бўлмайди. Масалан, жиноят процессида оқлов ҳукми деган ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситаси катта аҳамиятга эга.

Ҳуқуқлар бузилганлиги ҳақидаги шикоятлар бўйича суд қарорлари қабул қилинган суд ҳужжатлари умумий ҳажмининг салмоқли қисмини ташкил этади. Шу боис, қонун чиқарувчи орган фуқароларни суд орқали ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш масалаларида изчил эмаслигини ҳисобга олиб, диссертант кодекснинг тегишли нормаларини ўзгартириш орқали ушбу зиддиятни бартараф этишни таклиф қилади.

Диссертант суд ҳужжатининг ҳуқуқий табиати ва моҳиятини кўриб чиқишни якунлар экан, суд ҳужжати – судлар томонидан инсон ҳуқуқлари

ва эркинликларини амалга ошириш, ҳимоя қилиш ёки тиклашга қаратилган қарорлар қабул қилиш орқали инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича одил судловнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини ҳосил қилувчи восита, қурол ва элементдир, деган хулосани асослантиради.

Ушбу боб доирасида инсон ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилишнинг суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги каби принциплари ва кафолатлари кўриб чиқилган. Муаллифнинг фикрича, айнан суд ҳужжатларида одил судлов натижалари, қарорлар ҳамда низо ёки шикоятни кўриб чиқишнинг оралиқ ва якуний хулосалари ўз ифодасини топади.

Суд фаолиятини баҳолашда нафақат судлар томонидан кўрилган ишларнинг умумий сони, балки ишларни кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинган процессуал ҳужжатларнинг, йўл қўйилган процессуал ва мазмуний хатоларнинг ҳамда бекор қилинган ва ўзгартирилган суд қарорларининг сони ҳам унинг сифати ва самарадорлиги кўрсаткичи ҳисобланади. Бинобарин, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифати ва асослилиги, уларнинг инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишга қаратилган қонун талабларига мувофиқлиги даражаси сифатида тушуниладиган қонунийлик масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертант олимларнинг (У.А.Тўхташева, Б.А.Мўминов, А.Таджибаева) суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлашга оид илмий ёндашувларини кўриб чиқиб, қарорларни текшириш институтининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функциясининг аҳамиятини қайд этади. Ушбу институт нафақат одил судловда қонунийлик принципини амалга оширишнинг кафолати, балки процессуал ҳаракатлар ва суд қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини амалга оширишда одил судловни тиклашнинг ҳал қилувчи воситаси ҳамдир.

Суд ҳужжатларининг асослилиги, аввало, ишнинг фактик ҳолатлари тўғри аниқланганидан, суд хулосаларининг суд томонидан тўлиқ, ҳар томонлама кўриб чиқилган фактик материалларга мувофиқлигидан иборат. Суд ҳужжати нафақат қонуний ва асосли, балки адолатли ҳам бўлиши керак.

Олимларнинг (С.С.Алексеев, С.А.Галактионов, М.Е.Глазкова, А.Рундквист) “адолат” деган мураккаб, кўп жиҳатли категорияга турлича ёндашувларини кўриб чиққан диссертант шунчаки адолатли суд муҳокамаси эмас, балки суд муҳокамаси натижасининг – суд қарори, суд ҳужжатининг – адолатлилиги муҳимлигини таъкидлайди. Ушбу тезисдан судьянинг нафақат қонуний, балки энг адолатли қарор қабул қилиши зарурлиги келиб чиқади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Суд ҳимояси механизмида суд ҳужжатларининг ўрни: хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари”**га бағишланган бўлиб, унда тадқиқотчи томонидан хорижий давлатларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд

ҳужжатларини қўллаш тажрибаси, ривожланган демократик давлатларда соматик ҳуқуқлар ва уларни таъминлашда суд ҳужжатларининг назарий таҳлили, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда электрон одил судлов ва суд ҳужжатлари қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Диссертант суд ҳужжатлари инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ўзаги ва таянчи эканлигини таъкидлаб, Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими янгиланаётган шароитда суд-ҳуқуқ ҳужжатларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида қўллаш борасидаги энг илғор хорижий тажрибани ўрганишнинг муҳимлиги анча ошади, деган хулосага келган.

Муаллиф англо-саксон ҳуқуқий ва суд тизимларининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиб, бунда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва тиклаш воситаси сифатида суд ҳужжатларининг аҳамияти катта, деган хулосага келади. Англия умумий ҳуқуқига оид суд ҳужжатларига Habeaskorpus буйруғи ва имтиёзли (прерогатив) буйруқлар, яъни “шартли буйруқлар”(unless order)га алоҳида эътибор берилган.

Англия ва Америка ҳуқуқ тизимларига хос хусусият бўлган “Rule of Law” судьяларнинг суд қарорларини қабул қилишда мустақиллигини кўп жиҳатдан таъминлайди. Ушбу принципнинг қўлланилиши судьяларнинг ролини оширишга ёрдам беради, суд инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида қонун яратувчиси сифатида фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Диссертацияда Европа тажрибаси ўрганилган. Масалан, Испаниянинг суд амалиёти кўриб чиқилган, бу ерда меҳнат низоларини кўриб чиқишда суд қарорининг шакли даъвонинг нархига боғлиқ ва кичик нархдаги даъволар бўйича қарор оғзаки равишда қабул қилиниши мумкин. Австрия амалиёти аралаш ёндашувни намойиш этади. Бу ерда суд қарори оғзаки эълон қилинади, кейинроқ эса суд идораси қарорни ёзма шаклда беради.

Италияда судья маъмурий органнинг ҳар қандай ҳужжатини бекор қилишга, шунингдек, янги маъмурий ҳужжат қабул қилишни талаб этувчи суд ҳужжати чиқаришга ҳақлидир. Германияда судьялар ўз ҳужжатларини қабул қилишда суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципига қатъий амал қилади. Суд қарорининг қонуний кучини ва унинг қонуний барқарорлигини таъминлаш учун низо тарафларига уларнинг ҳуқуқлари тушунтирилади, бу уларга ҳуқуқий вазиятда йўл топишига ёрдам беради.

Судларда ишларни ҳал қилиш ҳамда суд ҳужжатларининг сифатини баҳолаш тизими мавжуд бўлган Финляндия тажрибаси қизиқиш уйғотади. Бу ерда суд ҳужжатининг сифати қуйидаги мезонларга кўра баҳоланади: а) адолат ва қонунийлик; б) ҳуқуқий мотивация борлиги; в) мотивациянинг шаффофлиги; г) суд қарори асослаш қисмининг батафсил ва тизимлилиги; д) тушунарлилик ва аниқ-равшанлик; е) суд ҳужжатининг шакли ва тузилишига қўйилган талабларга риоя этилиши; ж) қарорни эълон қилиш

ва суд жараёнининг барча иштирокчиларига етказиш талабларига риоя этилганлиги.

Шунингдек, АҚШ, Греция, Нидерландия, Швеция ва Қозоғистонда, Жанубий Американинг айрим штатларида инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ҳамда суд жараёнида қабул қилинган суд ҳужжатларининг хусусиятлари кўриб чиқилган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ҳужжатларини қабул қилиш бўйича талаблар ва тартибларнинг ижобий томонлари, масалан, тегишли тартибга риоя этиш (*dueprocessclause)*, суд процесси иштирокчиларининг шахсий ҳаёти ва шахсий маълумотларини ҳурмат қилиш (*habeas data*), судга ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақида ижроси зудлик билан таъминланадиган буйруқ чиқариш юзасидан мурожаат қилиш (*amparo*), инсон ҳуқуқларини бузувчи суд қарорларидан ҳимоя қилишнинг махсус тартиби (*actio popolaris*).

Диссертацияда алоҳида параграф сифатида генетик муҳандислик (ген иженерияси), тиббиёт, биотиббиёт ва бошқа соҳаларда замонавий технологиялар пайдо бўлиши билан тавсифланган янги шароитларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш зарурати билан боғлиқ бўлган инсон ҳуқуқларининг янги авлодини суд орқали ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқишга бағишланган. Соматик ҳуқуқлар (юнонча сома – тана) инсоннинг жисми билан узвийлигида ифодаланади, улар инсоният ҳозирги ривожининг маҳсулидир, бинобарин, тегишли суд ҳимоясини талаб қилади.

Диссертант бу масала бўйича олимларнинг (Д.Г.Василевич, Н.Э.Гафурова, Б.И.Исмоилов, В.И.Крусс, Э.М.Нестерова, О.З.Мухамедов ва бошқ.) қарашларини таҳлил қилиб, мамлакатимизда ушбу ҳуқуқлар ҳали расман эътироф этилмагани, қонунчилик ва ҳуқуқшуносликда эса бу ҳодисанинг фақат айрим жиҳатлари ҳақида эндигина, қисман, узуқ-юлуқ гапириш бошланганини қайд этган.

Айни вақтда, соматик ҳуқуқларнинг янгилиги ва ўзига хослиги суд амалиётида уларни ҳимоя қилиш ва амалга оширишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Ўзбекистон суд амалиётини таҳлил қилиш ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ суд ишлари статистикаси юритилмаслигини кўрсатмоқда. Аммо бу мазкур соҳадаги суд фаолияти масалаларини ўрганиш керакмаслигини англатмайди.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг суд орқали ҳимояланишини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари ва суд қонунчилигини такомиллаштириш бўйича хорижий тажриба ва тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда бундай суд низолари мавжуд ва соматик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш амалиёти кучаяди, деб тахмин қилиш мумкин. Демак, бунга тайёргарлик кўриш, бундай ишлар бўйича суд жараёнининг хусусиятларига доир илмий-назарий масалаларни тадқиқ этиш, улар бўйича суд ҳужжатларини қабул қилиш ва ижро хусусиятларини ўрганиш зарур.

Инсоннинг соматик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қабул қилинган суд ҳужжатлари, уларнинг функциялари, бажарадиган вазифалари ва

ҳуқуқий оқибатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак, бу эса суд ҳужжатларининг мутлақо янги жиҳатларини кўришга имкон беради. Хорижий суд амалиётининг кўрсатишича, бундай ҳужжатлар асосан баъзи ҳуқуқларни тиклаш ёки бирор ҳуқуқни (масалан, суррогат оналик ёки сунъий уруғлантириш натижасида туғилган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқларини) тасдиқлаш учун қабул қилинади. Суд амалиётидан маълум бўлишича, суррогат оналик, сунъий уруғлантириш ҳақидаги ишлар бўйича қарор қабул қилишда асосан шахс эркинлигининг устуворлигига асосланади.

“Электрон одил судлов” (инглизча – e-justice) атамаси кундалик ҳаётимизда аллақачон мустаҳкам илдиз отганлигини таъкидлаган диссертант одатда замонавий АКТдан фойдаланишга асосланган ҳамда одил судловнинг шаффофлиги, очиқлиги ва ҳаммабоплигини таъминлашга қаратилган одил судловни амалга ошириш усулини тушунади. Бу – процессуал ҳаракатларни ва умуман, суд ишларини электрон шаклда амалга ошириш имкониятидир.

Шу билан бирга, рақамли одил судлов – одил судловнинг мустақил тури эмас, балки одил судловни амалга оширишнинг ўзига хос шакли, усули. Аслида, оддий ва рақамли одил судлов мазмун жиҳатидан умуман фарқ қилмайди, фарқ фақат унинг шаклида (расмийлаштирилишида), ташқи, айтиш мумкинки, рақамли қобиғида. Аммо бу одил судловни нафақат оператив, балки фуқаролар учун анча ҳаммабоп қилади, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Диссертант судлар фаолиятини ахборотлаштириш ҳолатини таҳлил қилиб, суд фаолиятини рақамлаштириш паст даражада қолаётганини қайд этган. 2011 йилдаёқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш концепциясида суд жараёнига автоматлаштирилган тизимларни изчил жорий этиш назарда тутилган, бироқ ушбу ҳужжатда кўзда тутилган бир қатор чора-тадбирлар тўлиқ бажарилмай қолиб кетди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва тажрибаси, жумладан: суд фаолиятига АКТнинг жорий этилиши («E-governmentact» – АҚШ), электрон суд ишларини юритиш тизими («Electronic Case Filing System» – Жанубий Корея), Буюк Британияда “Electronic Working Pilot Scheme” электрон ҳужжат айланиши дастури, электрон суд ишларини юритиш тизими (Германия), ҳужжатларни судларга онлайн тарзда тақдим этиш тизими (“E-COURT” – Малайзия), рақамли одил судловни қўллаш бўйича энг илғор бўлган собиқ Иттифоқ мамлакатлари (“E-Toimik” – Эстония, ГАС «Правосудие» – Россия, ИС «Электронный суд» – Озарбайжон, Қозоғистон) тажрибаси ўрганилди.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, электрон одил судловнинг афзалликларини қуйидагилар ташкил этади: ишларни кўриб чиқишда вақт ва ресурсларнинг сезиларли даражада қисқариши; қарорлар ва бошқа суд

ҳужжатларидан тез ва монеликсиз фойдаланиш мумкинлиги; суд жараёнининг барча турларида, барча тоифадаги ишларда, барча инстанцияларда ариза ёки шикоятни электрон шаклда бериш имконияти; веб-конференция тизими орқали суд мажлисларини тўлиқ онлайн тарзда ўтказиш имконияти; иш материаллари ва далиллар билан масофадан танишиш имконияти; ишларни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш имконияти; суд мажлисининг аудиоёзувидан фойдаланиш; суднинг ахборот-техник вазифаларини (суд ҳужжатларини тарқатиш, процесс иштирокчиларини хабардор қилиш ва бошқалар) амалга оширишни соддалаштириш ва самарадорлигини ошириш.

Суд ҳужжатларини рақамли шаклда қабул қилишда инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунини таҳлил қилиш шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар борлигини кўрсатди.

Муаллиф даъво аризаларини (шикоят, талаб ва шу кабиларни) тўлдиришнинг онлайн платформа тизимини жорий этиш кераклигини асослаб берган. Бу керакли ҳужжатларнинг шакллари, уларни тўлдириш бўйича кўрсатмалар ва зарур ҳаракатлар алгоритмларини ишлаб чиқишни, улардан фойдаланиш юридик маълумоти бўлмаган шахсларга ўз талабларини англаш, судга мурожаат қилишнинг нархи ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича аниқ йўриқномалар олиш имконини беради.

Ҳозирги жараёнлар келажакда суд жараёнини рақамлаштириш янада ривожланишидан ва биз ҳозирдан тайёргарлик кўришимиз кераклигидан далолат бермоқда. Масалан, Хитойда “Ақлли судлар” («Smartcourts») фаолият кўрсатмоқда. Унга асос бўлган дастур орқали иш (сунъий интеллект ва блокчейн технологияларидан фойдаланган ҳолда) виртуал судья томонидан кўриб чиқилади. Бир йилнинг ўзида интернет-судларда 3,1 миллиондан ортиқ юридик ҳаракатлар амалга оширилган, 118,8 минг иш кўриб чиқилган, суд ишларини кўриб чиқишга оддий судлардагига қараганда ўртача икки баравар кам вақт сарфланган[1].

Тадқиқот ишининг тўртинчи боби **“Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ҳужжатлари ролини оширишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари”** деб номланиб, унда инсон ҳуқуқларини таъминлашда суд ҳужжатларидаги хатоларни бартараф этишнинг назарий-ҳуқуқий масалалари ва суд қарорлари самарадорлиги ва ижросини таъминлаш йўллари ва истиқболлари ўрганилган.

Диссертант аниқланадиган суд хатоларига оид олимларнинг (У.А.Тўхташева, Л.А.Терекова, Я.В.Шаповалова) қарашларини ҳамда суд статистикаси материалларини ўрганиб чиқиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига олиб келадиган ёки уларга таъсир кўрсатадиган типик ҳуқуқий хатоларни ажратиб кўрсатган. Уларга қуйидагилар киритилган:

[1] https://www.chinadaily.com.cn

– қонунлар нормаларини нотўғри танлаш ва қўллаш;

– ҳуқуқ нормаларини ўзбошимчалик билан ёки кенгайтириб талқин қилиш;

– тартиб-таомилларга оид қоида ва талабларни бузиш;

– суд қарорларини қабул қилишда ихтиёрийликни нотўғри қўллаш;

– ҳуқуқий санкцияларни ҳаддан ташқари, репрессив тарзда қўллаш;

– ҳуқуқий таваккалчиликни (хатарларни) келтириб чиқарадиган зиддиятли суд қарорларини қабул қилиш;

– юридик терминологиядан, юридик техника қоидаларидан нотўғри фойдаланиш.

Диссертацияда суд ихтиёрийлиги категориясига алоҳида эътибор қаратилган. Унда таъкидланишича, суднинг асосли қарорлар қабул қилиш ваколати ихтиёрийликнинг имкониятдаги вариантларини чеклайди. Шу боис суднинг ихтиёрийликни қўллаш ҳуқуқини мутлақлаштирмаслик керак, чунки ундан самарали фойдаланиш учун ихтиёрий фаолиятни амалга оширишнинг муайян чегаралари бўлиши лозим. Суд ихтиёрининг оқилона чегараларини белгилаш унинг қонун доирасида бажарилишини таъминлаш гаровидир. Ушбу чегаралар суд ихтиёрининг зарур ва мажбурий хусусияти бўлиб, унинг йўқлиги ҳуқуқнинг суиистеъмол қилинишига ва ўзбошимчаликка олиб келиши мумкин.

Амалга оширилган таҳлилларни инобатга олган ҳолда “суд хатоси” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Муаллифнинг фикрича, суд хатоси – ваколатли суд томонидан аниқланган, суд муҳокамаси иштирокчиларининг ҳуқуқларини бузадиган, суд томонидан қонунга зид суд ҳужжатининг қабул қилинишида намоён бўлган қонунбузарликдир.

Суд хатосининг қуйидаги белгилари ажратилган: а) суднинг суд жараёнининг мақсад ва вазифаларидан, шу жумладан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан четга чиқилишига йўл қўйишининг оқибати; у ваколатли суд инстанцияси томонидан муайян процессуал тартибда аниқланади; унинг сабаблари ҳам субъектив, ҳам объектив бўлиши мумкин; уни бартараф этиш суд томонидан суд ҳужжати орқали амалга оширилади.

Суд ҳужжатларининг яна бир муҳим жиҳати – уларни расмийлаштириш масаласидир. Қонунда суд муҳокамаси вақтида ҳал қилинадиган барча масалалар юзасидан суд ажрим чиқариши белгилаб қўйилган. Ажрим муайян шаклга эга бўлган суд ҳужжатидир. Ажримлар ***алоҳида ҳужжатлар*** тарзида расмийлаштирилади ва суд томонидан имзоланади. Бошқа барча ажримлар суднинг хоҳиши билан ё юқорида кўрсатилган тартибда, ёки ўз жойида чиқарилиб, бу ***ажрим суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади.***

Аммо, агар суд ажрими Жиноят-процессуал кодекснинг 423-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, яъни алоҳида ҳужжат шаклида чиқарилган эмас, балки суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилган бўлса, суд

муҳокамаси иштирокчиларининг ушбу ажримни тез олишида қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Диссертант суд жараёни иштирокчиларининг манфаатларини ва процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишни инобатга олган ҳолда, Кодекснинг 423-моддаси бешинчи қисмини қуйидаги матн билан тўлдириш зарур деб ҳисоблайди: “Айбланувчининг, жабрланувчининг ёки уларнинг вакилларининг илтимосига биноан, суд бир кун ичида суд ажримини уларнинг қўлига бериши шарт”.

Судларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти самарадорлигини таъминлашда унга холисона баҳо бериш, суд ҳужжатлари сифатини баҳолаш катта аҳамиятга эга. Шуларни ҳисобга олган ҳолда диссертант суд қарорларининг сифатини баҳолаш мезонлари таснифини ва бунинг учун қўлланилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар рўйхатини таклиф қилади. Масалан, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ҳамда юқори инстанция судининг ҳал қилув қарори ўртасида номувофиқлик мавжудлиги суд хатоси бўлиши мумкинлигидан ва бинобарин, суд қароринининг сифати пастлигидан далолат бериши мумкин. Аммо, гарчи ўлчаш қийин бўлса-да, нима бўлганида ҳам, суд иш юритувчининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадига эришиши, инсоннинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари амалда ҳимоя қилиниши ёки тикланиши асосий мезон бўлиши керак.

Диссертацияда АҚШ тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон судьялари учун “Суд қарорларини тузиш бўйича қўлланма” тайёрлаш зарурлиги асослаб берилган. Судьялар ишини ва суд қарорлари сифатини холисона баҳоловчи мустақил тизим яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши қошида Одил судлов сифати бўйича комиссия тузиш таклиф этилган.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида жиддий ислоҳотлар ўтказилганига қарамай, ҳозирда суд ҳимояси бир қанча муаммоларга дуч келмоқда. Диссертантнинг фикрича, одил судловни амалга оширишда бепул ҳуқуқий ёрдам олиш муаммоси мавжуд. Агар жиноят процессида айбланувчи (лекин жабрланувчи эмас) давлат маблағлари ҳисобидан адвокат билан таъминланса, фуқаролик процессида суд иштирокчилари бундай ҳуқуққа эга эмас. Муаллиф Фуқаролик процессуал кодексига ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатлари бузилган жараён иштирокчилари учун бундай имкониятни таъминлайдиган қоида киритишни таклиф қилган.

Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш шакли сифатида суд назоратини ривожлантириш чораларини кўриш таклиф этилган. Бундай чоралар қаторида асосий вазифаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган ишлар ва материалларни кўриб чиқиш бўлган махсус суд тузилмаларини ташкил қилиш, фуқароларнинг шикоятларини дарҳол кўриб чиқиш учун туман судининг навбатчи таркибини тузиш имкониятини таъминлаш келтирилган.

Суд қарорларининг кучи уларнинг бажарилиши мажбурийлигида намоён бўлади. Амалиётнинг кўрсатишича, суд қарорларининг анчагинаси қисман ёки узоқ вақтга кечиктирилиб бажарилади ёки умуман бажарилмайди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун хорижий тажрибани (Нидерландия, Люксембург, Италия, Венгрия, Латвия, Литва, Қозоғистон, Словакия, Эстония, Украина) ҳисобга олган ҳолда, суд қарорларини ижро этишнинг давлат хизмати билан бир қаторда хусусий суд ижрочилари ҳам ишлайдиган аралаш тизимига ўтиш таклиф этилган. Бундай лицензияга эга ижрочилар ижро иш юритуви жараёни умумий иш ҳажмининг катта қисмини ташкил этувчи оддийроқ ва кенг тарқалган ишларни кўришлари мумкин бўларди.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги суд ҳужжатларини такомиллаштириш суд ишларини юритиш механизмини такомиллаштиришнинг мустақил йўналиши ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, бузилган ҳуқуқни тан олиш ва тиклашга олиб келадиган суд ҳужжатларини бевосита қабул қилиш орқали таъминланади.

ХУЛОСА

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ҳужжатлари ролининг назарий ва амалий жиҳатларини комплекс ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқот натижалари бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Инсон ҳуқуқлари тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди:

“инсон ҳуқуқлари – инсон эркинлигининг ўлчови (меъёри), шахснинг халқаро ва давлат ички ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган ажралмас хусусиятидир. Улар инсон ривожланишининг энг зарур имкониятларини, манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди».

2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси доирасида суд ҳимояси институтининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмидаги ролининг илмий-назарий таҳлили асосида “суд ҳимояси” тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: **суд ҳимояси** – давлат ҳокимияти органи бўлмиш суд томонидан амалга ошириладиган давлат ҳимоясининг бир тури бўлиб, давлатнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функцияларини бажаришда қонунни ифодалашнинг асосий шакли сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳуқуқий ҳимоя туридир.

Суд ҳимояси давлат ҳимояси сифатида ҳам, ҳуқуқий ҳимоя сифатида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини таъминлашнинг энг самарали усули сифатида эътироф этган ҳолда, **судда ҳимояланиш даражаси** – суд ҳокимиятининг жамиятда эгаллаган ўрнини, жамиятнинг демократлашув даражасини ифодалайдиган асосий кўрсаткичи сифатида баҳолаш таклиф этилди.

3. Назарий жиҳатдан суд ҳимояси институти одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқи асосида амалга ошадиган субъектив ҳуқуқ сифатида моддий ва процессуал ҳуқуқларни индивидуал тасарруф этиш, шунингдек, суд ишларини юритиш жараёнида бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини таъминлайдиган қонуний воситалар, шакл ва услублардан фойдаланиш имконияти эканлиги асослаб берилди.

4. Замонавий суд ҳимояси назариясини янада ривожлантириш мақсадида:

– *судда ҳимояланиш ҳуқуқи – инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилиши, шунингдек ушбу ҳимояни ҳуқуқ ва эркинликларнинг тикланиши тўғрисидаги суд ҳужжати шаклида олиш учун зарур бўлган моддий ва процессуал ҳуқуқий имкониятлар* мажмуи дея таърифланди.

– *судда ҳимояланиш ҳуқуқининг ажралмас қисми сифатида* ***судга мурожаат қилиш ҳуқуқи*** *– шикоят, ариза ёки бошқа ҳар қандай мурожаатни белгиланган шаклда бериш ҳуқуқи ҳамда суднинг бундан келиб чиқадиган ушбу шикоятни қабул қилиш борасидаги тегишли мажбуриятини*

ўз ичига оладиган ҳуқуқ категорияси сифатида илмий асослантирилган ҳолда кўрсатиб берилди.

Судда ҳимояланиш ҳуқуқи вужудга келишининг асосини одатда бошқа, “бирламчи” ҳуқуқнинг бузилиши ташкил этиши изоҳланиб, у судда ҳимояланиш ҳуқуқининг амалга оширилиши ва уни ҳимоя қилиш ҳамда тиклашга хизмат қилиши назарий жиҳатдан асосланди.

Мазкур тушунчалар давлат ва ҳуқуқ назариясининг гнесеологик функциясини янада ривожлантиришга ҳизмат қилади.

5. Одил судлов назариясини бойитиш мақсадида **инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш механизми** – инсон ҳуқуқларини одил судлов орқали ҳимоя қилинишини (муҳофаза қилиниши ва тикланишини) таъминлайдиган *институтцонал* ҳамда *функцонал* элементлар, воситалар, шакл ва тартиблар тизими сифатида ўрганиш таклиф этилди. Бунда биринчи қисми статик тузилма бўлса, иккинчиси динамик, фаол қисми ҳисобланиши илмий асослаб берилди. Улар бирга ишласагина ҳуқуқ ва эркинликларнинг суд орқали тўлақонли ҳимояланишини таъминлаши мумкинлиги эътироф этилди.

6. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг бир тури ҳисобланган суд ҳужжатлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг *юридик воситаси* сифатида давлат ва ҳуқуқ назарияси доирасида илмий тадқиқ этилди.

7. Замонавий ҳуқуқий тенденцияларни бойитиш мақсадида қоида тариқасида, **суд ҳужжатлари** – қонуний ёзма ҳужжат, юридик ишни кўриб чиқиш натижаси ҳамда инсон ҳуқуқлари ёки эркинликларини ҳимоя қилиш, таъминлаш ёки тиклашга қаратилган *юридик факт* ҳисобланиши илмий асослаб берилди.

Шунингдек ҳар қандай суднинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши билан боғлиқ мурожаатларини қондириш тўғрисидаги ҳужжати суд жараёнининг квинтессенсиясидир дея таъриф берилди.

8. Суд ҳужжати тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи шакиллантирилди:

Суд ҳужжати – судлар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини конституциявий, фуқаролик, иқтисодий, жиноий, маъмурий иш юритиш доирасида амалга ошириш, ҳимоя қилиш ёки тиклашга қаратилган қарорлар қабул қилиш орқали ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш бўйича одил судловнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини ҳосил қилувчи элементидир.

9. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг илмий-назарий асосларини янада ривожлантириш мақсадида, норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бевосита ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида, жумладан суд ҳужжатларида намоён бўлади деган фикр илгари сурилиб, шунингдек норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар суд ҳужжатлари воситасида ҳам тартибга солиш имкони мавжудлиги амалий мисоллар орқали асослаб берилган.

10. Назарий концепциялар ва илмий доктриналарнинг замонавий тенденцияларини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик судлари амалиётида суррогат оналик билан боғлиқ суд қарорлари мавжудлигини ва келажакда бу турдаги суд ҳужжатлари салмоғи ортиб боришини инобатга олиб, илмий юридик адабиётда биринчи марта ушбу ҳуқуқий муносабатнинг норматив-ҳуқуқий асослари яратилиши зарурлиги асосланди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 207-моддаси охирги 6-бандида ишлатилган "қондош она" атамасини "суррагат она" сўзи билан алмаштириш таклиф қилинган (ХССТ 2001 й. "**гестанционн курьер**").

11. Давлат ва ҳуқуқ назарияси доирасида тадқиқ этилаётган замонавий инсон ҳуқуқлари назариясини янада кенгайтириш мақсадида инсоннинг соматик (шахсият билан боғлиқ ёки инсон танасига эгалик қилиш билан боғлиқ ҳуқуқлар (таъриф бизники)) ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қабул қилинган суд ҳужжатлари (суд ҳал қилув қарори, қарор, ҳукм, ажрим ва хусусий ажрим), уларнинг функциялари, бажарадиган вазифалари ва ҳуқуқий оқибатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак, бу эса суд ҳужжатларининг мутлақо янги жиҳатларини кўришга имкон бериши асосланди.

Хорижий тажриба кўрсатишича, бундай суд ҳужжатлари асосан баъзи ҳуқуқларни тиклаш ёки бирор ҳуқуқни (масалан, суррогат оналик ёки сунъий уруғлантириш натижасида туғилган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқларини) тасдиқлаш учун қабул қилинади.

12. Миллий қонунчиликнинг илмий-назарий асосларини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистонда судлар суррогат оналик билан боғлиқ суд қарорларини қабул қилишда кўпинча миллий қонунчилик нормалари доирасидан четга чиқмай, суд ҳужжатларига мантиқий ёндашмай қарор чиқарилишини танқидий баҳолаб, шахсий ҳаётга эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий хусусиятга эга халқаро ҳужжатларга мурожаат қилинган тақдирда қабул қилинаётган суд ҳужжатининг сифати ва асосийси мазкур суд хужжати инсон танасини тасарруф этиш масаласини ҳал қилиш билан бирга инсон эркинлигининг устунлигини эътироф этиши асослантирилди.

13. Инсон ҳуқуқлари ва янги рақамли технологияларнинг симбиозини эътироф этиш мақсадида, "рақамли одил судлов" тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

"Рақамли одил судлов *– одил судловнинг мустақил тури эмас, балки уни амалга оширишнинг ўзига хос шакли, усулидир"*. Аслида, оддий ва рақамли одил судлов мазмун жиҳатидан умуман фарқ қилмаслигини назарий асослаб, фарқ фақат унинг шаклида (расмийлаштирилишида), ташқи, айтиш мумкинки, рақамли қобиғида эканлиги изоҳланиб, электрон одил судлов қарорларининг, яъни суд ҳужжатларининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги роли ва ўрни масаласи янада долзарблик касб этиши таъкидланган.

Суд ишларини юритиш жараёнининг мазмунини ҳам, шаклларини ҳам янгилаш зарурати суд тизимини модернизация қилиш омилига

айланаётганлигини инобатга олиб, интернет билан аҳолининг қамрови даражаси, аҳолининг ва судьяларнинг “электрон саводхонлиги” даражаси ва махсус тизимлардан фойдалана олиш даражаси кун тартибига чиқади.

14. Рақамли маконда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, рақамли одил судловни амалга оширувчи судьялар фаолиятининг очиқ ва шаффоф баҳолашда ва судьяларнинг электрон рейтингини юритишда сунъий интеллект воситасида амалга ошириш таклифи илгари сурилди. Бу электрон платформа шаклида дастурлаштириш орқали амалга оширилиши камхарж усул сифатида асослантирилди.

15. Замонавий рақамли одил судлов самарадорлигини кўрсатувчи омилларнинг таҳлили асосида қуйидаги ижобий жиҳатлар сараланди:

а) одил судловнинг рақамлаштирилиши унинг ҳаммабоплиги ошишига, шунингдек ишларни кўриб чиқиш вақти қисқаришига имкон беради;

б) одил судловнинг рақамлаштирилиши суд тартиб-таомилларини янада формаллаштиради, одил судлов “шаблон”лашиб боради, бу эса суд жараёнининг моҳиятига мос келади;

в) бу нафақат суд учун, балки процесс иштирокчилари учун ҳам суд жараёнига сарфланадиган вақт, меҳнат ва молиявий-иқтисодий харажатларни камайтириш имконини беради;

г) рақамлаштириш тегишли инфратузилмани яратиш, судлар таркибининг ҳам, аҳолининг ҳам компьютер саводхонлигини ошириш борасида катта саъй-ҳаракатни талаб қилади.

17. Одил судловни ихтиёрийлик асосида амалга оширишга кўмаклашишни кўзлаб, қонунда кўрсатилган ҳамда ҳуқуқий принциплар ва нормаларни талқин қилиш (қонун ва ҳуқуқ аналогияси) йўли билан тузилган вариантларни танлаш асосида мустақил, нисбатан эркин суд қарорини қабул қилиш мумкинлигини инобатга олиб, суд ихтиёри институтидан кенг фойдаланиш таклифи илгари сурилди. Шунингдек, “суд ихтиёри” тушунчасига муаллифлик таърифи шакллантирилди:

“***Суд ихтиёри*** *– суднинг қонун асосида ва фақат унинг доирасида амалга ошириладиган ва суд ишида энг мақбул ечимни танлаш имкониятини назарда тутадиган фаолиятидир»*.

Инсон ҳуқуқларини энг юқори конституциявий қадрият сифатида таъминлаш ва ҳимоя қилиш муаммосини ҳал қилиш кўп жиҳатдан суд ишларини юритиш жараёнида суд ихтиёри ва қонунийликнинг энг мақбул нисбатига боғлиқлиги асосланди.

18. Миллий қонунчилик нормаларининг назарий жиҳатларини бойитишга ҳисса қўшиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ФПК, ИПК ва МСИЮтКда “Суднинг ҳал қилув қарори” деб номланган боби тегишли моддаларида суднинг ҳал қилув қарори тушунчасининг моҳияти очиб берилмаган. Тадқиқот мавзуси доирасида “суднинг ҳал қилув қарори”, “суд хатоси”, “суд ҳужжатларининг сифати” тушунчаларига муаллифлик ёндашуви асосида таъриф ишлаб чиқилди:

“Суднинг ҳал қилув қарори *бу – суд мажлисида низоли масалани амалдаги конституция нормалари, халқаро умумэътироф этилган нормалар, миллий қонунлар асосида ва иш юзасидан далилларга таянган ҳолда адолатли ҳал этишнинг ҳуқуқий ифодаси бўлган муҳим суд ҳужжатидир”*.

“Суд хатоси *– ваколатли суд томонидан аниқланган, суд муҳокамаси иштирокчиларининг ҳуқуқларини бузадиган, суд томонидан қонунга зид суд ҳужжатининг қабул қилинишида намоён бўлган қонунбузарликдир”*.

“Суд ҳужжатининг сифати *– суд ҳужжатининг амалдаги қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқлик даражасини тавсифловчи муҳим хусусиятлари мажмуи»*, деган муаллифлик таърифи таклиф қилинган. Бошқача айтганда, бу суд ҳужжатининг тегишли “стандарт”га мувофиқлик даражасини белгилайдиган муайян белгилар мажмуидир.

II. Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган тавсия ва таклифлар:

1. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунда мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилиш шарти сифатида судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинганлиги ҳақидаги қоида шахсни идорама-идора юришга мажбур қилиб, Конституциявий судга мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишини маълум даражада қийинлаштиргани сабабли уни ўзгартириш, бунда суд орқали ҳимояланишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган деб ҳисобланадиган ҳолатларнинг тўлиқ рўйхатини белгилаб қўйиш таклиф қилинган.

2. “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига ҳамда бошқа соҳавий қонунчилик ҳужжатларига “суд ҳужжати” тушунчасининг таърифини киритиш таклифи илгари сурилган.

3. Энг кўп тарқалган вазиятларни таҳлил қилиш асосида инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида даъволарни (шикоятлар, талабномалар ва ҳ.к.) онлайн тарзда тўлдириш тизимини жорий этиш таклиф қилинди. Бу эса, юридик маълумоти бўлмаган шахсларга судга электрон мурожаатларни мустақил равишда тақдим этиш, ўз талабларини англаш, судга мурожаат қилишнинг нархи ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича аниқ-лўнда йўриқномалар олиш имконини беради. Суд қарорларининг рақамли банкини шакллантириш тўғрисидаги тавсиянома асослантирилди. Бу эса, судларда ишларнинг ҳаракатини кузатиш, суд қарорларини электрон олиш (СМС, электрон почта) имконини беради.

4. Суд жараёни иштирокчиларининг манфаатларини ва процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишни инобатга олган ҳолда, ЖПКнинг 423-моддаси бешинчи қисмини “Айбланувчининг, жабрланувчининг ёки уларнинг вакилларининг илтимосига биноан, суд бир кун ичида суд ажримини уларнинг қўлига бериши шарт”, деган мазмундаги матн билан тўлдирилиши лозим.

5. Таъкидлаш жоизки, Фуқаролик процессуал кодексида 6-моддасида суд ҳужжатлари тушунчасининг таърифи мавжуд бўлмасада, суд ҳужжатлари турларига ҳуқуқий тавсиф берилган. Афсуски, ЖПКда бундай норма йўқ, бу эса суд ҳужжатларининг ҳуқуқий табиати ва турлари аниқ тушунилмаслигига олиб келади. Шу муносабат билан, ЖПКни қуйидаги мазмундаги 4^1-модда билан тўлдириш зарурлиги асослантирилган:

“4^1-модда. Суд ҳужжатлари.

Суд жиноят иши моҳиятига кўра ҳал қилинмайдиган масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим, хусусий ажрим чиқаради.

Биринчи инстанция суди ишни моҳиятига кўра кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳукм (оқлов ёки айблов ҳукми) чиқаради.

Апелляция, кассация инстанцияси суди ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра ажрим, апелляция ҳукми чиқаради”.

6. Суд ҳужжатларининг нечоғлик адолатлилиги, қонунийлиги ва асослантирилганлигидан – судларнинг ҳокимият органи сифатида чинакам нуфузга эга бўлиши, аҳолида судларга ва судьяларга ишонч ва ҳурматнинг ошиши даражасига боғлиқ. Шу боис, қонунийлик, асослилик, ва адолатлилик нафақат ҳукм ва ҳал қилув қарори, балки бошқа суд ҳужжатлари жавоб бериши лозим бўлган талаблар ҳисобланиши қуйидаги процессуал нормаларда ўз ифодасини топиши таклиф қилинмоқда:

Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг “Ҳал қилув қарорини қабул қилиш” деб номланган 176-моддасининг олтинчи бандини қуйидаги таҳрирда бериш тавсия этилади: *“Суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлиши шарт. У суд мажлисида текширилган далилларгагина асосланган бўлиши керак”.*

Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг “Ҳал қилув қарорини қабул қилиш” деб номланган 154-моддасининг 4-бандига қуйидаги қўшимчани қўшиш тавсия этилади: *“Суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлиши шарт. У суд мажлисида текширилган далилларгагина асосланган бўлиши керак”.*

7. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида асосий вазифаси судьялар ишини ва суд қарорларининг сифатини холисона баҳолаш бўйича мустақил тизимни жорий этиш бўладиган Одил судлов сифати бўйича комиссия тузиш таклиф қилинган.

8. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида жиноят процессида айбланувчи (лекин жабрланувчи эмас) давлат маблағлари ҳисобидан адвокат билан таъминланганлигини, аммо фуқаролик жараёнида суд иштирокчилари бундай ҳуқуққа эга эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, ЖПКга жабрланувчини ёзма аризаси асосида давлат маблағлари ҳисобидан адвокат билан таъминлаш тўғрисидаги қоидани киритиш, шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексини суд жараёнининг ҳуқуқлари ёки манфаатлари бузилган иштирокчилари учун бундай имкониятни белгиловчи норма билан тўлдириш таклиф қилинган.

9. Ўзбекистонда “Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупцияни олдини олиш бўйича суд инспекцияси” томонидан суд ҳужжати сифатининг мезонини ўз ичига олган талабларни Қўлланма шаклида ишлаб чиқиб, судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда фойданиш мақсадга мувофиқ.

Тахминан қуйидаги мезонлар кўринишида ифодалаш мумкин:

а) суд ҳужжатининг қонун талабларига, шунингдек Олий суднинг Пленум қарорлари талабларига мувофиқлигини;

б) суд қарори асослаш қисмининг батафсил ва тизимлилиги;

в) суд қарорининг тушунарли ва аниқ-равшанлиги;

г) суд ҳужжатининг шакли ва тузилиши, шунингдек лингвистик ва грамматик жиҳатдан тўғри тузилиши;

д) қарорнинг тўғри эълон қилиниши, суд жараёнининг барча иштирокчиларига етказилиши.

Шунингдек, мавжуд электрон ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда, суд ҳужжати сифатининг мезонини баҳолашни бевосита махсус дастур воситасида амалга ошириш мумкин.

10. Суд қарорларининг кучи уларнинг бажарилиши мажбурийлигида намоён бўлади. Юридик амалиётнинг кўрсатишича, суд қарорларининг анчагинаси қисман ёки узоқ вақтга кечиктирилиб бажарилади ёки умуман бажарилмайди. Бу ҳолатнинг сабабларидан бири – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органлари давлат ижрочилари **иш ҳажмининг ҳаддан ташқари катталигидир**. Бу муаммони ҳал қилиш учун суд ҳужжатларини ижро этишнинг аралаш тизимидан фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз.

11. Суд ҳужжатларини ижросини қисман **хусусий ижро тизимига** ўтказилиши ва унда ваколатли орган малака комиссиясининг қарори асосида лицензияга эга бўлган хусусий суд ижрочилари фаолият юритиши ижро иш ҳажмини камайтиришга, суд қарорларини ижро этиш сифатини яхшилаб, муддатини қисқартиришга шу билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ҳужжатларининг ролини кучайтиришга имкон беради.

12. Ўзбекистон суд тизимини ривожлантириш борасида хорижий давлатларнинг тажрибасини муваффақиятли ўзлаштирмоқда. Масалан, бизда худди Франция, Германия, Греция ва Италияда бўлгани каби маъмурий судлар ташкил этилган. Шу билан бирга, меҳнат низолари бўйича судларнинг ишлаш амалиёти бундай судларни бизнинг мамлакатда ҳам тузиш мумкин деган фикрга олиб келади. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тиклаш бўйича суд қарорлари иложи борича тез ва асосли равишда қабул қилиниши керак, бу эса ана шундай ихтисослаштирилган судлар фаолият кўрсатганида анча осонлашади. “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига кўра судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин. Бизда мавжуд ресурслар асосида судларни эмас судьяларни ихтисослаштириш мумкин.

13. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда одил судловнинг натижаси бўлган суд ҳужжатларининг ролини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон

Республикасининг **“Судлар фаолиятига оид ахборотдан фойдаланиш тартиби тўғрисида**”ги қонун лойиҳаси ва концепцияси ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига киритилган.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қуйидагиларга хизмат қилади:

– суд ҳужжатларидан фойдаланилишини таъминлайдиган ягона тизимнинг амал қилиши қоидаларининг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланишига;

– суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишонч юксалишига, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошишига ва ҳуқуқий нигилизм оқибатлари бартараф этилишига, судларнинг кадрларга оид сиёсатидан, жумладан, судьяликка номзодларнинг танланиши ва тайинланишидан жамоатчиликнинг хабардор бўлишига;

– суд қарорларининг шаффофлиги ортишига ва судда суиистеъмолликлар камайишига, судлар фаолиятини холисона ёритиш учун судлар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар тартибга солинишига;

– Ўзбекистонда юридик фан ривожланишига, чунки суд амалиёти олимларнинг янада батафсилроқ таҳлили объектига айланади;

– суд статистикасини юритиш соддалашувига;

– тарафларнинг суд билан Интернет орқали боғланишини, иш материаллари, суд ҳал қилув қарорлари ижросининг аҳволига доир маълумотлардан электрон тарзда фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган судларнинг ягона ахборот тизими такомиллашувига ва ш.к.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

PULATOVA NODIRAKHAN SOBIRJONOVNA

STRENGTHENING THE ROLE OF JUDICIAL DOCUMENTS IN THE PROTECTION OF HUMAN RIGHTS

12.00.01 – Theory of state and law. History of legal doctrines

Doctoral (DSc) dissertation abstract
on legal sciences

Tashkent – 2022

The theme of the doctoral dissertation (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2020.4.Dsc/Yu149

The dissertation is prepared at Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (summary)) on the website of the Scientific Council (www.tsul.uz) and Information educational portal «ZiyoNET» (www.ziyonet.uz).

Supervisor:	**Akhmedshayeva Mavlyuda Akhatovna,** Doctor of Science in Law, Professor
Official opponents:	**Rakhimov Fakhri Khaydarovich** Doctor of Science in Law, Professor
	Khamrayev Anvar Akhmadaliyevich Doctor of Science in Law, Professor
	Mukhitdinova Farrukha Fakhriddinova Doctor of Science in Law
The leading organization:	**Karakalpak State University named after Berdak**

The defense of the dissertation will be held on September 23, 2022 at 14:00 at the Session of the Scientific Council DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 at Tashkent State University of Law (Address: 100047, Sayilgokh street, 35. Tashkent city. Phone: (998971) 233-66-36; Fax: (998971) 233-37-48; e-mail:info@tsul.uz).

The doctoral dissertation is available at the Information Resource Center of Tashkent StateUniversity of Law (registered under № 1051), (Address 100047, Amir Temur Street, 13. Tashkent city. Phone:(998971) 233-66-36)

The abstract of the dissertation is distributed in 2022.

(Registry protocol №.5 on September 8, 2022).

R.R.Khakimov
Chairman of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

B.A.Narimanov
Secretary of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor

I.R.Bekov
Chairman of the Scientific Seminar under the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

INTRODUCTION (abstract of DSc thesis)

The actuality and relevance of the dissertation theme. The level of democratic development of countries in the world is evaluated as a process directly related to the extent to which human rights are provided and the effectiveness of justice is improved. As an independent branch of the state power, the main task of the judiciary is to protect human rights through judicial documents. Already, approximately 1.5 billion people in the world do not have the opportunity to protect their violated rights through the courts[1]. In particular, the 16th goal of the Sustainable Development Goals intended to changing the world is aimed at "Supporting the rule of law and providing equal access to justice for all"[2] and in order to achieve this goal, it is urgent to strengthen the role of judicial documents, which are of fundamental importance in the mechanism of human rights protection.

In the world, special attention is paid to the research of scientific directions aimed at improving the institution of judicial protection, providing the legality, validity and fairness of court decisions, issues of restoring of violated rights and freedoms through judicial documents, and eliminating of mistakes made in court decisions. In particular, the problems of providing human rights and freedoms through the court are of both practical and theoretical importance, and the development of legal and effective organizational mechanisms for the protection of human rights through judicial documents and the improvement of legal forms are being researched as an important research direction.

In our republic, a number of systematic measures regarding judicial protection have been implemented in the mechanism of providing human rights, and in this direction, a new qualitative stage has been passed. In particular, we can see that the importance of the judicial document as a means of restoring violated rights in recent years when the number of acquitted by the courts was 867 in 2018, 859 in 2019, 781 by 2020 and 781 in 9 months of 2021[3]. "Increasing the level of access to justice for citizens and business entities, providing basics of reliable protection of citizens' rights and freedoms in court activities, improving of modern forms and methods of conducting judicial and executive proceedings in electronic order"[4] it is defined as a priority task, and the task is to improve the legislation in this area based on international standards.

The laws of the Republic of Uzbekistan "On Courts" (2021), the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further reform the judicial system and strengthen the basics of reliable protection of the rights and freedoms of citizens" DP-4850 (2016), "On additional measures to increase the efficiency of the judiciary" DP-6034 (2020) and "On the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026", DP-60 (2022), "On additional measures to increase the efficiency of

[1] World Justice Project. Measuring the Justice Gap. URL: https://worldjusticeproject.org/our-work/research-and-data/access-justice/measuring-justice-gap.

[2] https://uzbekistan.un.org/

[3] www.strategy.uz

[4] Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. DP–60 "On the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026", adopted on January 28, 2022. // National database of legislative information, 29.01.2022, No. 06/22/60/0082.

the judiciary and prevent corruption in the judiciary" DP–6127 (2020) and "On the measures of digitalization of the activities of the judiciary" DP-4818 (2020) other relevant legislation will some extent serve in the implementation of the tasks.

The dependence of the research on the priority areas of development of science and technologies in the country. This research was carried out in the priority direction of the development of science and technology of the republic I. "Formation of a system innovative ideas and way to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and development of an informed society and a democratic state".

Review of foreign scientific research on the theme of the dissertation[1]**.** The research on various aspects of legal protection of individual rights, as well as aimed at understanding the role and importance of judicial documents in this regard is being conducted in the leading scientific centers of the world.

On the theme of research, at the universities and scientific centers of San Francisco, California, Texas University of Maryland School of Law, University of Yale, The Bingham Center for the Rule of Law, Cornell Law School (USA), University of Essex, University College London (UK), University of Bonn, University of Getting (Germany), Moscow State University named after M.V. Lomonosov (Russian Federation), Tashkent State University of Law (Uzbekistan) certain researches are being carried out.

As a result of such research, a number of scientific conclusions were formed and relevant results were achieved. Their content consisted of the following: it was revealed that the role of the judicial institution in the human rights protection mechanism, the powers of the court in the protection of human rights were researched (University of Maryland School of Law, USA); it was determined that the impact of judicial documents on the state of protection of human rights and freedoms and the importance of judicial interpretation in the level of protection of human rights (University of Essex, UK); it was revealed that the role of judicial control over the process of restoration of individual rights (University of Bonn, Germany); it was justified that the limits and norms of discretion of the court in the consideration of complaints in the trial (The Bingham Centre for the Rule of Law, USA); it was established that jurisdictional standards for the administration of justice and judicial control (University College London, UK); it was revealed that the role of court activity in the system of basics of individual rights (Cornell Law School, USA); it was revealed that the procedure for appealing against judicial documents in the court proceedings (Moscow State University named after Lomonosov, Russian Federation); it was justified the need for further improvement of mechanism of justice (Tashkent State University of Law, Uzbekistan).

The analysis shows that today in the world, serious research is being conducted in the following priority directions of studying the problems of the protection of individual rights and freedoms through the courts: increasing the role of the court in the protecting and providing of human rights, further improving and increasing

[1]See: www.umd.edu, www.yale.edu, www.essex.ac.uk, www.uni-bonn.de, www.binghamcentre.biicl.org, www.ucl.ac.uk, www.law.cornell.edu, www.msu.ru/en, www.tsul.uz

efficiency of judicial documents, improving of the mechanism of protection of the rights of the participants in court proceedings, as well as, determining effective ways to restore violated rights during court proceedings.

The extent of the study of the research problem. Some theoretical and practical problems related to the topic of the research were discussed by lawyer scholars of our country A.R.Okilov, Z.M.Islamov, F.M.Mukhitdinova, H.T.Odilkoriyev, M.Rajabova, A.Kh.Saidov, F.K.Rahimov, F.Kh.Otakhanov, O.T.Husanov, A.A.Khamrayev, R.R.Hakimov, I.T.Tulteev, G.Z.Tolaganova, U.A.Tokhtasheva and others conducted a number of researches on the general and specific aspects of the institution of human rights protection through the courts. In these research works are revealed the essence and mechanism of human rights protection through the court, the features of court activity in the mechanism of human rights protection are determined.

Within the research topic, lawyer scholars of the CIS countries V.D.Zorkin, Yu.V.Samovich, M.V.Presnyakov, V.P.Bozhiev, A.V.Kornev, V.V.Lazarev, V.V.Lapaeva, T. G.Morshchakova, T.Ya.Khabrieva, S.K.Zagaynova have researched the problems related to the protection of human rights through the court, as well as the research of the role of judicial documents in the organizational and legal mechanism of justice. In Western countries, this problem is researched M.S.Ahlawat, K.Kelemen, M. P.O'Higgins, L.Friedman, C.Kessedjian, L.B.Orfield, A.Murado, S.Chiarloni, Martin Bose and etc.

In addition, although not directly related to the topic, theoretical scientists, including “Professional-qualified legal consciousness of judges: theoretical and methodological aspects of providing its formation and development” by A.A.Khamraev (2006), “Creation and development of judiciary in the Republic of Uzbekistan” by F.F.Mukhitdinova (2012), “Improving the organizational and legal foundations of the constitutional judicial institution in the Republic of Uzbekistan” by M.M.Abdullaeva (2021) scientific researches have been carried out. As well as, several dissertations were defended on the problems of judicial control in pre-trial proceedings, among them “Judicial control and problems of its implementation in criminal proceedings” by Z.F.Inogomjonova (2007), “Providing the legality and validity of judicial documents in criminal proceedings” by A.Tadjibaeva (2010), the dissertation of U.A.Tokhtasheva research on the topic “Criminal-procedural methods of eliminating judicial mistakes” (2020) was carried out[1].

However, the analysis of these researches showed that they mainly researched the general aspects of judical problems, including individual issues of human rights protection by the courts, thus we can see that the issue of the role and importance of judicial documents in the protection of human rights was not a comprehensive conceptual research object.

Relation of the dissertation’s theme to the scientific-research work of higher education institution where it was implemented. The research work was carried out within the aspect of the fundamental project (2017-2021) of the Tashkent

[1]A complete list of the works of these scientists is given in the reference.

State University of Science and Technology on the theme “The main directions of further liberalization of state administration in the context of deepening democratic reforms”.

The aim of the research is to reveal the role of judicial documents in the protection of human rights, to develop proposals and recommendations for improving the mechanism of court protection and the effectiveness of court decisions.

The tasks of the research:

to develop the definition of author of these categories based on the systematic analysis of theoretical approaches to the concepts of “Judicial power”, “judicial protection”, “judicial functions”, “judicial documents”, “the decision of court”, “judicial mistake”;

to substantiate proposals for the application of positive experience to national legislation based on a comparative-legal analysis of the mechanism of protection of human rights through judicial documents in foreign countries;

to analyze the theoretical aspects of functional essence of judicial documents aimed at the protection and provision of human rights;

to analyze needs for electronic judicial documents aimed at providing human rights based on modern approaches;

to justify the proposals and recommendations for improving the mechanisms for checking the legality, validity and fairness of judicial documents;

to research the theoretical and legal aspects of eliminating errors in judicial documents in the providing of human rights;

to develop proposals and recommendations aimed at providing the effectiveness of enforcement in strengthening the role of judicial documents in the protection of human rights.

The object of the research is the system of socio-legal relations related to the sphere of protection of human rights through judicial documents.

